


II. САНОАТ

Дастлабки маълумотларгаасосан жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган саноат корхоналари томонидан 28416,0 млрд.сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилишига эришилди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 108,9 % ни ташкил этди.

Ҳисобот йилида 14815,0 млрд. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, 2017 йил январь-сентябрга нисбатан 105,9 фоизни ташкил этди. Жумладан, 4998,4 млрд. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, 9370,7 млрд. сўмлик ноозиқ-овқат моллари (2017 йил январь-сентябрга нисбатан мосравишда 108,5 фоиз ва 104,6 фоиз) ишлаб чиқарилди.

Жами саноат ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг асосий омили бўлиб, ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноатида ишлаб чиқариш ҳажмининг 6,4 % га, тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлашнинг –3,1 мартага, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашнинг 3,3 % га ва сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилишнинг – 2,4 % га ўсиши ҳисобланди.

2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида асосий иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат ишлаб чиқариш таркиби, (млрд. сўмда)



Ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноати


Тошкент шаҳрида саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳудудда ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар ҳажми 25717,1 млрд. сўмни ва ўтган йилга нисбатан 106,4% ўсиш суръатини ташкил этди.

Ўз навбатида ишлаб чиқарадиган саноатда ўтган йилнинг мос даврига нисбатан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 6,0 % га , мебел ишлаб чиқариш 16,8% га камайган бўлса, тамаки маҳсулотлари ҳажми 8,8 % га , текстил маҳсулотлари – 18,2 % га, асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари – 3,2 % га, автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим тиркамалар ишлаб чиқариш – 49,5 % га ошганлигини кузатиш мумкин.

Ишлаб чиқарадиган саноат таркибида юқори технологияли тармоғининг улуши 3,9 % ни, ўрта-юқори технологияли – 23,0 %, ўрта-қуйи технологияли – 36,5 % , қуйи технологияли – 36,6 % ни ташкил этди.

Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида ишлаб чиқаришнинг технологик таркиби бўйича ишлаб чиқарадиган саноат таркиби, фоизда



Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш

Иқтисодий тармоқлар кесимида ўрганилганда, жорий йилнинг январь-сентябрь ойида Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш корхоналари томонидан 1036,0 млрд.сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларининг 3,6 % ни ташкил этган.

Тоғ-кон саноатида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар тури бўйича табиий газ ва хом нефт қазиб олиш ҳажми ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан 4,1 марта, металл рудаларини қазиб чиқариш 20,7 % га ва бошқа тоғ-кон саноати фаолияти эса 4,9 % га ошганини кузатиш мумкин.

Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш.

Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар 995,2 млрд.сўмни (жами ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмининг 3,5 % ни) ташкил этди.

2018 йилнинг январь-сентябрь ойида электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш корхоналари маҳсулотлари ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан 103,3% га кўпайган.

Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш.

Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар 667,8 млрд.сўмни (жами ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмининг 2,4 % ни) ташкил этганлиги кузатилди. Бунда 2018 йил январь-сентябрь ойларида сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 102,4 % га кўпайган.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотини

ишлаб чиқариш ҳажми

(2018 йил январь-сентябрь ойларида)

	млрд. сўм	ўсиш суръати, фоиз ҳисобида
Иқтисодий фаолиятнинг алоҳида турлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми	28416,0	108,9
Тоғ- кон саноати ва очиқ конларни ишлаш	1036,0	4,7 м
<i>улардан:</i>		
Кўмир ва лигнит, хом нефт ва табиий газ қазиб олиш	913,8	121,2
Металл рудаларини қазиб олиш	0,8	122,5
Қайта ишлаш саноати	25717,1	103,3
<i>шундан:</i>		
Озиқ- овқат маҳсулотлари, ичимликлар тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш	4354,5	103,9
Тўқимачилик маҳсулотлари, кийимлар, тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш	2290,3	114,1
Ёғоч ва пўкак буюмлар, поҳол ва тўқиш учун материаллардан буюмлари, қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари, мебеллар ишлаб чиқариш	1368,3	98,9
Ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	873,0	144,7
Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш	92,1	138,2
Кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	875,2	110,7
Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш	704,6	133,2


	<i>млрд. сўм</i>	<i>ўсиш суръати, фоиз ҳисобида</i>
Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	1358,1	169,5
Металлургия саноати	3772,1	145,9
Автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш ҳамда машина ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш, тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	1099,8	94,6
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	995,2	99,5
Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	667,8	129,7
Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш	14815,0	105,9
<i>шу жумладан:</i>		
озик-овқат товарлари	4998,4	108,5
ноозик-овқат товарлари	9370,7	104,6

Давлат ва хусусий бизнеснинг ўзаро ҳамкорлиги доимо ҳар бир замонавий демократик давлатнинг диққат эътиборида бўлган. Кейинги йилларда бутун дунёда ҳукумат ва бизнес ҳамкорлигининг кучайиши тенденцияси кузатилмоқда.

Давлат ва хусусий секторнинг ўзаро муносабати мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий барқарор вазиятни таъминлашда хусусий бизнеснинг манфаатдорлигини оширишда катта хизмат қилади. Ўз навбатида, мамлакатимизда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш борасида олиб борилаётган ислохотлар натижаси ўлароқ Тошкент шаҳрида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида нодавлат секторнинг улуши салмоқли эканлигини кўриш мумкин. Тармоқ корхоналари томонидан жорий 2018 йилнинг 3-чорагида 28416,0 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ёки ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 108,9%ни ташкил этди, шунинг билан бирга давлат секторида 6 113,6 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб умумий ҳажмга

нисбатан 21,5 % ташкил этсада, нодавлат секторида 22 302,4 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, умумий ҳажмга нисбатан 78,5 % ташкил этди.

**Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш давлат ва нодавлат секторларида
фоиз ҳисобида**



Саноат соҳасида модернизациялаш кўламларини жадаллаштириш ва кенгайтириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида, саноат соҳасида фаолият юритаётган корхоналарда ишлаб чиқаришнинг жадал ривожланиши давом эттирилди.

Тармоқ корхоналари томонидан жорий йилнинг 3-чорагида 28416,0 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ёки ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 108,9% ни ташкил қилиб, умумий ҳажмга нисбатан Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг улуши қуйидагича тавсифланади.


Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш иқтисодиётнинг муҳим омили бўлиб, жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш маҳсулотлари фаолияти 3,6% ни, қайта ишлаш саноати 90,5% ни, электр энергияси, газ, буғ ва кондицияланган ҳаво 3,5 % ни, сув билан таъминлаш, канализация, чиқиндиларни йиғиш ва қайта фойдаланиш билан бўйича хизматлар 2,4 % ни ташкил этди.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини
ишлаб чиқариш**

(умумий ҳажмга нисбатан фоизда)

2017 йил январь-сентябрь

2018 йил январь-сентябрь



**Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат
маҳсулотитурларини ишлаб чиқариш ҳажми**
(йирик корхоналар бўйича)

	<i>Ўлчов бирлиги</i>	<i>2018 йил январь- сентябрь</i>	<i>2017 й январь- сентябрига нисбатан % да</i>
--	--------------------------	------------------------------------------	----------------------------------------------------------------

Тоғ- кон саноати ва очик конларни ишлаш

Чақиқ тош (шебень)	<i>Tн</i>	294661,4	163,0
--------------------	-----------	----------	-------

Қайта ишлаш саноати

Темирдан ёки легирланмаган пўлатдан болғаланган, иссиқлайин прокатка қилинган, иссиқлайин чўзилган ёки экструдирланган, кейин бошқа ишлов берилмаган бошқа чивиклар ва стерженлар, жумладан прокаткадан кейин калаваларга ўралган чивиклар	<i>Tн</i>	5800	161,9
--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	-----------	------	-------


	Ўлчов бирлиги	2018 йил январь- сентябрь	2017 й январь- сентябрга нисбатан % да
Кучланиши 1 кВ дан ортиқ бўлган (юқори вольтли), бошқа электр токи ўтказгичлари	<i>Tн</i>	1417	120,7
Цемент, бетон ёки сунъий тошдан йиғма конструкциялар элементлари ва бинолар ва иншоотлар учун бошқа буюмлар	<i>Tн</i>	111098	64,3
Денатурланмаган, спирт концентрацияси 80 % ҳажмдан кам бўлмаган этил спирти	<i>минг.л</i>	10335	102,5
Ароқ	<i>минг.л спирт</i>	11367	107,6
Узум виноси ёки узум турпини дистиллаш натижасида олинган спирт настойкалари, коньяк спиртидан ташқари	<i>минг. л спирт</i>	221,5	95,9
Пиво (пиво ишлаб чиқариш чиқиндиларидан ташқари)	<i>минг. л</i>	37566,5	104,9
Юмшоқ буғдой ва спельта уни	<i>минг.тн</i>	150835,1	99,1
Биринчи навли ундан тайёрланган буғдой нони, оғирлиги 600 г (буханка)	<i>Tн</i>	1450	54,8
Тозаланган пахта ёғи ва унинг фракциялари (кимёвий модификация қилинганларидан ташқари)	<i>Tн</i>	3842	82,4
Чакана савдо учун қадоқланмаган пахтадан йиғирилган бир қаватли ип	<i>Tн</i>	8706	123,1
Машинада ёки қўлда тўқилган бошқа трикотаж полотнолар	<i>Tн</i>	7730	161,7
Иш кийими	<i>минг дона</i>	-	-

	Ўлчов бирлиги	2018 йил январь- сентябрь	2017 й январь- сентябрга нисбатан % да
Китоблар, география хариталар, гидрографик ёки шу каби карталарнинг барча турлари, репродукциялар, чизмалар ва фотосуратлар, открыткаларни босиб чиқариш бўйича хизматлар	<i>минг. сўм</i>	189081578,6	250,4
Газеталарни босиб чиқариш бўйича хизматлар	<i>минг. сўм</i>	29766045	120,1
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш			
Буғ ва иссиқ сув (иссиқлик энергияси)	<i>минг Гкал.</i>	6325,7	92,7

Худудлар бўйича саноат ишлаб чиқариш ҳажми

Тошкент шаҳрида саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳудудда ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Тошкент шаҳри саноат ишлаб чиқариш ҳажми таркибида энг кўп Яшнобод тумани (Тошкент шаҳри саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 13,5% улушини), Мирзо Улуғбек тумани (11,5 %), Олмазор тумани (10,5%), Шайхонтоҳур тумани (10,1%), Миробод тумани (10,1%), Сергели тумани (9,2 %), туманлари ҳиссасига тўғри келади.


Худудларнинг жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши, фоизда
(январь-сентябрь)



Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш

Тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини рағбатлантириш ва турларини кенгайтириш, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2018 йилнинг январь-сентябрь ойларига нисбатан (105,9 % га) ошишига таъсир кўрсатди, жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши эса 52,1 % ни ташкил этди.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг таркиби, жами истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан, фоизда
(январь-сентябрь)




Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 4998,4 млрд.сўмга етказилиб, жами истеъмол товарларидаги улуши 33,7 %, ноозик овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 9370,7 млрд.сўм, жами истеъмол товарларидаги улуши 63,3 %, алкоголь маҳсулотларини


ишлаб чиқариш 445,9 млрд.сўм ҳисобланиб жами истеъмол товарларидаги улуши 3,0 % ташкил этди.

Шунинг билан бирга энг кам улуш Миробод(5,3 %), Юнусобод(6,1%), Яккасарой (4,9 %) туманларига тўғри келади.


**Худудларнинг жами истеъмол товарлари ишлаб чиқариш
ҳажмидаги улуши, фоизда**



**Худудларда саноат ишлаб чиқариш товарлари ишлаб чиқариш ҳажмларининг
ўсиш суръатлари, фоизда**
(ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан)



**Худудларда истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмларининг ўсиш
суръатлари, фоизда**
(ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан)



Бунда Тошкент шаҳрида саноат ишлаб чиқаришда энг йирик ўсиш суратлари Сергели тумани (116,8%)да, шунингдек Миробод тумани (116,3 %) ва Олмазор (111,8 %) туманларида кузатилмоқда.

Шу ўринда истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда энг йирик ўсиш суратлари Бектемир тумани (123,0 %) , Юнусобод тумани (107,1%) ва Яккасарой туманларида (105,8) кузатилган.

Саноат ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг ҳиссаси

Кичик тадбиркорлик субъектлари саноат ишлаб чиқаришда бир маромдаги ўсиш таъминланди ва натижада улар томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,1% ошиши таъминланди. Дастлабки маълумотлар бўйича 2018 йилнинг январь-сентябрь ойида Тошкент шаҳрида саноат ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг улуши – 71,6 % ни ташкил этган.

**Худудлар бўйича кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари ишлаб
чиқаришдаги улуши, фоизда**
(январь-сентябрь)

Худудлар кесимида кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги энг юқори улуши Учтепа тумани (жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши (91,2 %), Олмазор (90,6 %), Яккасарой (89,8 %) ва Юнусобод (85,7 %) туманларида кузатилди. Шу билан бирга, энг кичкина улуш Шайхонтоҳур (53,5%), Мирзо Улуғбек (43,5 %), Миробод (42,6 %) туманларида кузатилди.

**2018-йил январь-сентябрь ойларида туманлар кесимида кичик бизнеснинг
жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши, фоизда**

